


filologiya fanlari doktori, professor
Hamid G'ulomovich Ne'matov
tavalludining 80 yilligiga bag'ishlanadi



FILOLOGIK TADQIQOTLAR: MUAMMO VA YECHIM

mavzusida xalqaro ilmiy-nazariy anjuman

MATERIALLARI



2021-yil 22-noyabr

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

str. A.Russo 15, of. 61, Chisinau-2068, Republic of Moldova Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-0-62760-5

Copyright © Guli Tairova

Copyright © 2021 Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L Publishing group

FOR AUTHOR USE ONLY

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
DAVLAT TILINI RIVOJLANTIRISH DEPARTAMENTI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI
BUXORO VILOYATI PEDAGOG XODIMLAR MALAKASINI OSHIRISH
VA QAYTA TAYYORLASH INSTITUTI**

**“FILOLOGIK TADQIQOTLAR: MUAMMO VA YECHIM”
mavzusida xalqaro ilmiy-nazariy anjuman
materiallari**

(filologiya fanlari doktori, professor Hamid G‘ulomovich Ne’matov
tavalludining 80 yilligiga bag`ishlanadi)

**«ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ПРОБЛЕМА И
РЕШЕНИЕ»**

материалы международной научной конференции
(доктор филологических наук, профессор Хамид Гуломович
Негматов
посвящается к 80-летию со дня рождения)

**“PHILOLOGICAL RESEARCH: PROBLEM AND SOLUTION”
international scientific conference**

(doctor of Philology, Professor Hamid Gulomovich Negmatov
dedicated to the 80th birthday anniversary)

Buxoro – 22-noyabr, 2021-yil

Anjuman O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2021-yil 16-iyundagi oliy ta'lif tizimidagi ustuvor vazifalarga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishi, "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi hamda "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lif tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi farmonlariga muvofiq tashkil etilmoqda.

Anjumanning maqsadi: filologiya fanlari doktori, professor Hamid G'ulomovich Ne'matov tavalludining 80 yilligini keng nishonlash va o'zbek tilshunosligi XXI asr birinchi choragida, filologiyada o'z yechimini kutayotgan dolzarb masalalar, til ta'limida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish, o'zbek va xorijiy tillarni qiyosiy o'rghanish masalalarini ta'limning yetakchi mutaxassislar bilan tajriba almashish hamda ushbu sohadagi so'nggi tadqiqot usullarini ommalashtirishdan iborat.

DASTURIY QO'MITA

Xamidov O. X. –BuxDU rektori, i. f. doktori, professor, rais;

Qahhorov O.S. – BuxDU ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori, i.f.doktori, rais o'rindbosari;

Jamoliddinova O. – Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi maslahatchisi, a'zo;

Jumayev R.G'. – BuxDU o'quv ishlari bo'yicha prorektori, i.f.doktori (PhD), dotsent, a'zo;

Qahhorov S.Q. – BuxDU kasaba uyushmasi raisi, p.f.doktori, professor, a'zo;

Rajabov D.Z. – BuxDU filologiya fakulteti dekani, f.f.doktori (DSc), dotsent, a'zo;

O'rayeva D.S. – BuxDU filologiya fakulteti professori, f.f.doktori, a'zo;

Abuzalova M.Q.– BuxDU filologiya fakulteti professori, f.f.doktori, a'zo;

Axmedov A.R. – BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi mudiri, f.f.nomzodi, dotsent, a'zo;

Eshonqulov H.P.–BuxDU o'zbek tili va adabiyoti kafedrasi mudiri, f.f.doktori, dotsent, a'zo;

Yuldasheva D.N. – BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi professori, p.f.nmzodi, a'zo;

Nazarova S.A. – BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, f.f.nomzodi, a'zo.

Toirova G.I. – BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, f.f.f.doktori (PhD), a'zo;

TASHKILIY QO`MITA

Axmedov A.R. – BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi mudiri, f.f.nomzodi, dotsent, rais;

Toirova G.I. – BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, f.f.f.doktori (PhD), rais o'rindbosari;

Safarov A.K.– Buxoro viloyati PXMOQTI rektori, p.f.nomzodi, dotsent, a'zo;

Mengliyev B.R.–Toshkent DO'TAU professori, f.f.doktori, a'zo;

Ne'matova G.H. –Buxoro viloyati PXMOQTI prorektori, f.f.nomzodi, dotsent, a'zo;

Hamroyeva Sh.M.–Toshkent DO'TAU doktoranti, f.f.doktori (DSc), dotsent, a'zo;

Qilichev B.E.– BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, f.f.nomzodi, a'zo;

Ne'matova L.H. –BuxDU rus tili va adabiyoti kafedrasi dotsenti, f.f.nomzodi, dotsent, a'zo;

Asadov T.H. – BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, f.f.nomzodi, a'zo;

Hojiyeva M.Y.– BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi o'qituvchisi, a'zo.

Yoqubova Sh. - BuxDU o'zbek tilshunosligi kafedrasi o'qituvchisi, a'zo.

Mas'ul muharrir:

Axmedov A.R. – filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Taqrizchilar:

Abuzalova M.Q. – filologiya fanlari doktori, professor

Yuldasheva D.N. – pedagogika fanlari nomzodi, professor

Toirova G.I. – f.f.f.doktori (PhD), dotsent

Xushruydan yetti yosh chaması kichik edi. (A.Qodiriy, “O’tgan kunlar”). *Bobur Samarqandga ketishda o’z onasi va egachisiga «O’shdagi hujradan xabar olursizlar», deb tayinlab ketgan edi.* (P. Qodirov, “Yulduzli tunlar”) [ЎТИЛ, 19-б]. Egachi— qizning kattasi[Navoiy A., 2014:23] Egachi— “yegiche” termini esa qadimgi “ög” (ona) terminiga “acha” terminini qo’shish natijasida ög + acha, ögacha, egacha, egachi formasida shakllangan bo‘lishi mumkin. Bu so‘z ham keyingi davrlarda so‘z yasash natijasida vujudga kelgandir. Chunki qadimgi yodgorliklarda bu so‘z termin yoki so‘z turkumi sifatida ham uchramaydi. Egachi (yegiche) terminlari asosan bir ota-onadan tug‘ilgan, suttosh, yosh jihatidan katta ayol jinsidagi qarindoshiga nisbatan, kichik yoshdagи uka, singillari tomonidan u shaxsning o‘ziga nisbatan kim ekanligini ko‘rsatuvchi termindir [Исмоилов И.А.,1966:66]. Turli tillardagi qon-qarindoshlik atamalarini chog‘ishtirish jarayonida bu singari lakunalar ko‘p uchraydi. Masalan, “*abog ‘a*”—otaning og‘a-inisi, “*tag ‘oyi*”—onaning og‘a-inisi (A.N. “Muhokamat ul-lug‘atayin” 23-b.) kabi so‘zlarni keltirishimiz mumkin. Boshqa tillarda bu tushunchalarga nisbatan ishlatiladigan murojaat so‘zi mavjudmikan.

Introlingvistik holatda leksikadagi lakunarlik hodisasi, albatta, qiziq jarayon, ammo ichki tillardagi lakunalarni izlash va aniqlash juda qiyin. Sababi o‘zbek tilida ichki lingvistik lakunalarni aniqlash uchun hech qanday metodologiya ishlab chiqilmagan.

Adabiyotlar:

1. ЎТИЛ, 358-бет.
2. ЎТИЛ, 523-бет.
3. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Raupova L., Qurbonova M., Abuzalova M., Yuldasheva D. Hozirgi o‘zbek tili. Darslik. – Buxoro: Durdona, 2021.–555.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. –Т., 2009. –Б.130.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. ИИИ (Форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). “Университет” нашриёти. –Т.: 2009. –Б.176
6. ЎТИЛ, 19-б.
7. Навоий А. Мұхокамат ул-луғатайин. –Тошкент, “Тафаккур”, 2014, 23-бет.
8. Исмоилов И.А. Туркий тилларда қавм-қариндошлиқ терминлари. (ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпок, туркман тиллари материаллари асосида). –Тошкент: Фан, 1966, 66-б.

ТЕРМИН НЕОЛОГИЗМЛАР ХУСУСИДА

DOI: 10.53885/edinres.2021.42.14.058

Отабек Улашевич Шукров

Қарши давлат университети доценти,
ф.ф.н.

Аннотация. Мақолада термин неологизмлар ўрганилган бўлиб, ўзлашишининг бугунги кундаги ҳолати таҳлил этилган. Унда фанлар кескин тармоқланаётгани ва турли фанлар яқинлигига оралиқ фанлар юзага келиши билан боғлиқ масалалар ёритилган. Таҳлиллар ўзбек тили лексикаси доирасида бўлиб, неологизмларни ўзлашишининг асосий омили сифатида глобаллашув феномени кўрсатилган.

Калит сўзлар: термин неологизм, ўзлаштириши, ўзбек тили, тилларнинг ўзаро таъсири, тил бойитиши, ижтимоий тараққиёт, глобаллашув

Тараққиёт фан ва унинг соҳалари ривожига бевосита боғлиқ ҳодисадир. Инсоният XX асрдаги бўлган даврда чегараланган фанлар доирасидагина ихтиrolар қилди, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллади. XX асрда фанлар чегараси анча кенгайди, дифференциациялашди. Улар асосида янги кашфиётлар юзага келди. Фанларнинг туташ нуқталари белгилаб олинди, ўзаро алоқадорлик кучайди. Янги фанлар янги инновацияларга асос бўлди. XXI аср эса нанотехнологиялар даври билан бошланди. Ўтган юз йилликдаги соҳалараро дифференциациялашув янги интеграциялашувга йўл очди. Фанлар, йўналишлар, тармоқлар, ихтисосликлар ва ҳоказоларнинг бўлининиши олимларни ўзига тобаро жалб қила бошлади. Уларнинг ўз чегаралари, майдонлари аниқлана бошланди. Тадқиқотларнинг юксак самарадорлиги фанлар, соҳаларнинг нозик туташ нуқталари ва

уларнинг оралиғидаги илмий изланишларни талаб қилиши маълум бўлди. Нанофан, нанотехнология, наноэлектроника, ҳатто нанолингвистика терминлари инглизча, русча, ўрни билан ўзбекча мақолаларда, монографияларда учраши табиий ҳолга айланада бошлади.

Фанлар интеграцияси жараёни шунчалик тезлашдики, бир вақтнинг ўзида ғоялар ҳам назарияда, ҳам амалиётда қўллана бошлади. Янги ғоялар татбиқи ишлаб чиқаришни тезлаштириб юборган бўлса, янги-янги соҳаларга доир монографиялар ҳам қичқа муддатларда ёзила бошланди. Соҳалар миқдори кенгайиб, янги соҳаларни номлайдиган терминлар ҳам тиллар кесимида ранг-баранг кўринишларни касб эта бошлади.

Фан соҳаларининг сони масаласида эса аниқ рақамлар йўқ. Интернет саҳифаларида уларнинг номини биргина *-ology* шакли билан ҳосил қилувчи 1078 та термин (1) кўрсатилган. Бироқ бу соҳалар сонини аниқ кўрсатмайди. Негаки бу шаклсиз ҳам соҳа номлари топилиши мумкин. Бундан ташқари, янги пайдо бўлаётган соҳаларнинг барчаси бу ўриндан жой олмаган. Қисқача айтганда, XXI аср фан ва соҳалар учун хилма-хиллик, аниқ ихтисослашиш, индивидуализация, бирлашиш, интеграциялашув даври бўлди десак, адашмаймиз.

Ривожланган давлатлардаги таълим сифати, илм-фан ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкам йўлга қўйилган. Уларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги сабаб жаҳон майдонида янги инновацияларнинг жадал оммалашиши кузатиляпти. Бу каби инновациялар ўзининг ички тузилишига эга яхлит бутунлик бўлиб, улардаги референтлар янги тушунчалар ифодалайди. Тушунчани ўзида акс эттираётган атоб бирликлари, неологизмлар эса инновацияни бошқараётган тилнинг сўзлари билан номланиши шартланган.

Неологизмларнинг тиллароро бугунги кундаги оқимини “бўлинган дунёни қайта тақсимлаб олишга ҳаракатланаётган куч”ларга ўхшатиш мумкин. Неологизмлар таҳди迪 тилларга таъсир этар экан, мавжуд луғат лексикасига *атама неологизм, нейм неологизм, термин неологизм* сифатида фарқланиб, ўрнашиб олишга интлаётганини сезиш қийин эмас. Ҳаттоқи кундалик ҳаётимизда ишлатаётган оддий мулоқот сўзларини ҳам ижтимоий тармоқларда тарқалаётган хорижий сўзларга осонгина алмаштириб юборилиши аҳамиятсиздек кўриняпти. Афсуски, уларнинг сони кўп, давомийлиги эса интернет саҳифалари ахборотларида бардавом, ҳар бири ўзига хос ёт маданият ва реалияларга боғланган.

Терминология муайян тил тараққиётидаги муҳим бир жараённи ўзида акс эттириши табиий. Замонавий дунёда уч мингдан ортиқроқ тил мавжуд, аммо илмий терминологиянинг ривожланиши факат 60 та тилда кузатилади ва уч юздан ортиқ касбий фан соҳаларини қамраб олади, алоҳида тилда терминологик ишлаб чиқилган соҳа унчалик кўп эмас [2;709].

Маълумки, мустақилликдан сўнг ўзбек терминологияси ўзига хос даврни бошдан кечирди. Негаки жамиятдаги турли ўзгаришлар миллий терминология масаласи қайта кўриб чиқшини тақозо этарди. Кўп йиллик собиқ иттифоқ тузумининг бу соҳадаги ҳукмронлиги ҳам барҳам топган эди. Мутахассислар терминологияда, ўз соҳалари доирасида, истиқболли йўлни танлаб олишлари учун кўплаб терминларни тилнинг миллий табиатига мувофиқ онгли тарзда муомалага киритишлари зарур эди. Энг муҳими, киритилаётган бирликлар соҳа талабларига жавоб бериши мақсад қилинди, бунинг баробарида, тилда мавжуд бўлиб турган халқаро терминларни имкон қадар сақлаб қолиш масъулияти ҳам юкланди. Истиқлолга қадар назарий масалаларни фақат рус тилшунослари ҳал қилиб берган, бошқа тилшунослик вакиллари унга эргашган бўлсалар, мустақиллик шароитида ўзбек тилшунослари назарий муаммоларни ҳал қилишга дадил қўл ура бошладилар [3;8].

Шу кабилардан келиб чиқиб соҳа мутахассислари, терминолог ва тилшунослар ўз вазифалари доирасида бир неча аҳамиятга молик ишларни амалга оширишди. Улар илмий мақолалар, монография ва дарсликларда ўз исботини топган. Шунга қарамай, узоқ давр мобайнида йиғилган соҳа муаммолари, халқаро термин танлаш принципларидан узоқлашиш, тилдаги атамаларни миллийлаштиришга беэътибор қараш, дублетларни ўз

вақтида тартибга олмаслик кабилар таъсирида ҳануз терминологиянинг долзарб муаммолари кўзга ташланади.

Инчунин, соҳалар миқёсида қўлланаётган сўзлар ихтисослашуви ҳам ўзига хос бўлиб, уларни муайян соҳанинг умумистеъмол сўзлари (атамалари), шунингдек, соҳа терминлари сифатида фарқлаб, белгилаб олиш ҳам кун тартибидаги масалалардандир. Акс ҳолда, тадқиқотчилар соҳалар майдонини терминологик нуқтаи назардан чегаралаб ўрганишда айрим мураккабликларга дуч келишлари тайин.

Неологизмлар ўзлашишига сабаб бўлаётган асосий омиллар мавжуд бўлиб, глобаллашув, ахборот технологиялари, интернет дискурси, таълим ва ижтимоий тармоқларни мухим факторлар каторига қўшиш мумкин. Мазкур омиллар жамият аъзолари нутқига ўрни билан у ёки бу даражада таъсир қилиб туради. Масалан, ижтимоий тармоқлар интернет дискурсига мойиллиги бор, қизиқиши яқин ёшларни мотивация қилса, таълим жараёни донор тилларни ўрганишга талаб қўяди, ахборот технологиялари феномени эса узоқ масофадан туриб ёлланма ишчи (freelancer) сифатида пул топиш учун қулай вазият яратади.

Неологизмлар қамрови ўзига хос бўлиб, уларни термин неологизм, нейм неологизм ва атама неологизм сифатида фарқлаб ўрганиш мумкин. Уларнинг орасида термин неологизмлар инсонларнинг онгли ҳаракатлари таъсирида (сунъий равиша) фанга олиб кирилади ва оммалашиши эса маълум бир соҳа доирасидагина амал қиласди.

Айрим соҳалар борки, жамиятдаги ўрнига кўра ўзини янгилаб боришни, тез ўзгаришни, ҳалқаро стандарт терминологияга мослашиб, замонавий терминлар билан иш кўришни талаб этади. Хусусан, ахборот коммуникацион технологиялари, иқтисодиёт, ҳуқук-тартибот, медицина соҳаларини шулар жумласидан бўлиб, улар кундалик вазифаларини ўз терминлари орқали амалга оширади. Албатта, фаннинг ривожланиши соҳа майдонида терминларнинг тартибга солиниши билан ҳам боғлиқdir.

Терминологик манбаларда таъкидланганидек, илм-фан ва қасбий фаолият учун хизмат қилаётган ҳар бир термин, албатта, сўз мақомида бўла олади, бироқ учрайдиган ҳар бир сўз эса термин эмас.

Ўзлашаётган термин неологизмларнинг катта бир оқими ахборот технологиялари соҳаси билан боғлиқ. Негаки инсонларнинг саводхонлик даражасини белгиловчи мезонлар каторига АҚТ билимлари ҳам келиб қўшилгани муболаға эмас. Улар глобаллашув жараёнини ҳаракатлантирувчи куч, жамиятдаги фан-техника, инновация ва технологиянинг қуроли сифатида кўриляпти.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, термин неологизмларни тартибга солиб бориш тил тараққиётидаги мухим бир доимий жараён бўлиб, глобаллашув феноменида уларни ўз вақтида ўрганиш, имкон қадар муқобил вариантини миллий тил базаси асосида шакллантириш ёки ўзбек тилининг миллий табиатига мувофиқ қабул қилиш масалалари мухим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_words_ending_in_ology
2. Абдурахманова М. Юнон-лотин тилига асосланган тиббий атамаларнинг лингвистик тадқиқи. Сўз санъати ҳалқаро журнали. –Т., 2020. З-максус сон. 751 бет.
3. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 384 бет.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИ ЯРАТИШДА ЛИНГВИСТИК МОДЕЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ DOI: 10.53885/edinres.2021.45.12.059

Гули Ибрагимовна Тоирова

Бухоро давлат университети
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори(PhD), доцент

Аннотация: Мақолада сўз ясалиши ва унинг тарихи билан боғлиқ маълумотлар таҳлил этилган. Ушбу мақолада лингвистик дастурларнинг мустақил таркибий қисмларидан бир лингвистик модул ва алгоритм ҳамда унинг турлари таҳлил қилинган. Лексик-грамматик кодни шакллантириши мақсадида қўйима сўз ясалиши қоидалар бўйича алгоритм зарурияти илмий асосланган. Ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик базасини тузишида қўйима сўзниң лингвистик модулларининг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: корпус, модул, лингвистик модул, қўйима сўзниң модуллари, сўзли алгоритм, формулали алгоритм, жадвалли алгоритм, графикли алгоритм

Ривожланган мамлакатлар бугунги кундаги тараққиётiga кўплаб омиллар билан бирга инновация жараёни – илфор ғоялар, ишланмаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишга берилган эътибор туфайли эришгани ҳеч кимга сир эмас. Чунончи, инновация – тараққиёт гарови. Илм-фанда инновацион технологияларнинг тараққий этиши натижасида тилга ташки манба ҳисобидан янги атамаларнинг кириб келиши, улардан фойдаланиш кўлами кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан, ўзбек компьютер лингвистикасига ҳам хорижий компьютер лингвистикасидан ўзлашган сўзлар эвазига бойиб бораётганлигини кузатамиз.

Хозирги ўзбек адабий тилида сўз ҳосил қилиш усуслари беш турга бўлинади:

- 1) аффиксация усули;
- 2) фонетик усул;
- 3) семантик усул;
- 4) композиция усули;
- 5) аббревиация усули;

Аффиксация усули. Ясаш асосига аффикс қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш **аффиксация усули** дейилади: *асос-ла, асос-ли, асос-сиз-лик, астар-ли, астар-сиз, астар-лик, этик-дўз-лик, этик-чи* каби. Ўзбек тилида аффиксация усули билан янги сўз ясаш от, сифат, феъл ва равиш сўз туркumlари учун ҳосдир.

“Ўзбек тили миллий корпуси”нинг лингвистик базасини яратишида ясама сўзларнинг моделларини тузиш аҳамиятлидир. Бу ўринда М.Абжалова таклиф этган лингвистик модуллардан фойдаланиб, аффиксация усулида 3 хил кўринишдаги қуйидаги сўз ясаш моделини таклиф этиш мумкин:

Бундан: А=асос, Н=ҳосила сўз

1. N= асос + ли
N= асос + ла
N= асос + сиз
N= асос + лик
N= асос + чи
N= асос + хон
N= асос + дон.....

Аффиксация усули билан сўз ясашда аффикслар, одатда, асосдан кейин қўшилади. Шунга кўра бу усул билан ҳосил бўлган ясама сўзлар «асос + қўшимча (суффикс)»тарзида бўлади (*маза-ли, маза-сиз, мазлум-лик, сабза-вот, сабзавот-чи, сабзавотчи-лик, супур-ги* каби).

2. N= бе+асос
N= но+асос
N= ҳам+асос
N= бад+асос.....

Ясама сўзлар «олд қўшимча(префикс) + асос» шаклида ҳам бўлади. Бу ҳодиса асосан тожик тилидан ўзлашган аффикслар орқали сўз ясашда учрайди: *бе-лаззат, бе-ҳикмат, бе-ҳисоб, бе-ҳол, бе-ҳузур, бе-ҳужжат, сер-барақа, сер-бар, сер-ишиҳа, сер-мазмун, но-инсоф, но-умид, но-қулай, но-муносаб* каби.

3. N= бе+асос +лик
N= но+асос +лик
N= ҳам+асос +лик

N= бад+асос +лик.....

Ясама сўз таркибида сўнг қўшимча (суффикс) ҳам, олд қўшимча (префикс) ҳам келиши мумкин: *бе-сабр-лик*, *бе-парво-лик*, *бе-саранжом-лик*, *бе-сариншта-лик*, ҳам-жихат-лик, ҳам-нафас-лик, но-инсоф-лик, но-мард-лик, но-маъқул-чилик, но-маҳрам-лик, но-аниқ-лик, *бад-бахт-лик* сингари.

Аффиксация ўзбек тилида сўз ясашнинг энг унумли усули ҳисобланади. Бу усул орқали содда ясама сўзлар ҳосил қилинади. Аффиксация усули билан сўз ясашда одатда ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари кўлланилади. Шу билан бирга бошқа тиллардан (жумладан, тожик тилидан) қабул қилинган аффикслар ҳам ишлатилади: *китоб-хон*, *газал-хон*, *палов-хўр*, *пора-хўр*, *чой-хўр*, *сомса-фуруши*, *нос-фуруши*, *туз-дон*, *ўрмон-зор*, *бе-тўхтov*, *но-тўғри* каби. Бундай ясовчи воситалар дастлаб тожик тилидан кирган сўзлар таркибида ишлатилган бўлса, кейинчалик ўзбек тилидаги сўзларга ҳам қўшилиб, янги сўзлар ясай бошлади.

“Ўзбек тили миллий корпуси”нинг маълумотлар базасини шакллантиришда оддий Excel жадвалларидан фойдаланилади:

Намуна:

<table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch I (fe'l)</i> →</td><td> <table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch-il-ma</i></td><td><i>tashabbus</i> →</td><td><i>tashabbus-kor</i> →</td><td><i>tashabbuskor-lik</i></td></tr> <tr><td><i>Soch-il-uv-chan</i></td><td></td><td></td><td><i>tashabbus-ona</i></td></tr> <tr><td><i>Soch-iq</i> → <i>sochiq-lik</i></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td><i>Soch-ma</i></td><td></td><td></td><td><i>tashabbus-chi</i> → <i>tashabbuschi-lik</i></td></tr> </table> </td></tr> </table> <table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch II (sochi qora)</i> →</td><td> <table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch-bog'</i></td><td><i>tashakkur</i> → <i>tashakkur-noma</i></td></tr> <tr><td><i>soch-li</i></td><td><i>tashkil</i> → <i>tashkil-iy</i></td></tr> <tr><td><i>soch-siz</i></td><td><i>tashkil-ot</i> → <i>tashkilot-chi</i> → <i>tashkilotchi-lik</i></td></tr> <tr><td><i>soch-popuk</i></td><td><i>tashla</i> → <i>tashla-n-diq</i></td></tr> <tr><td><i>soch-tarosh</i></td><td><i>tashla</i> → <i>tashla-n-ma</i></td></tr> <tr><td><i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i></td><td><i>tashna</i> → <i>tashma-lik</i></td></tr> <tr><td><i>ser-soch</i></td><td><i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i></td></tr> </table> </td></tr> </table>	<i>soch I (fe'l)</i> →	<table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch-il-ma</i></td><td><i>tashabbus</i> →</td><td><i>tashabbus-kor</i> →</td><td><i>tashabbuskor-lik</i></td></tr> <tr><td><i>Soch-il-uv-chan</i></td><td></td><td></td><td><i>tashabbus-ona</i></td></tr> <tr><td><i>Soch-iq</i> → <i>sochiq-lik</i></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td><i>Soch-ma</i></td><td></td><td></td><td><i>tashabbus-chi</i> → <i>tashabbuschi-lik</i></td></tr> </table>	<i>soch-il-ma</i>	<i>tashabbus</i> →	<i>tashabbus-kor</i> →	<i>tashabbuskor-lik</i>	<i>Soch-il-uv-chan</i>			<i>tashabbus-ona</i>	<i>Soch-iq</i> → <i>sochiq-lik</i>				<i>Soch-ma</i>			<i>tashabbus-chi</i> → <i>tashabbuschi-lik</i>	<i>soch II (sochi qora)</i> →	<table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch-bog'</i></td><td><i>tashakkur</i> → <i>tashakkur-noma</i></td></tr> <tr><td><i>soch-li</i></td><td><i>tashkil</i> → <i>tashkil-iy</i></td></tr> <tr><td><i>soch-siz</i></td><td><i>tashkil-ot</i> → <i>tashkilot-chi</i> → <i>tashkilotchi-lik</i></td></tr> <tr><td><i>soch-popuk</i></td><td><i>tashla</i> → <i>tashla-n-diq</i></td></tr> <tr><td><i>soch-tarosh</i></td><td><i>tashla</i> → <i>tashla-n-ma</i></td></tr> <tr><td><i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i></td><td><i>tashna</i> → <i>tashma-lik</i></td></tr> <tr><td><i>ser-soch</i></td><td><i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i></td></tr> </table>	<i>soch-bog'</i>	<i>tashakkur</i> → <i>tashakkur-noma</i>	<i>soch-li</i>	<i>tashkil</i> → <i>tashkil-iy</i>	<i>soch-siz</i>	<i>tashkil-ot</i> → <i>tashkilot-chi</i> → <i>tashkilotchi-lik</i>	<i>soch-popuk</i>	<i>tashla</i> → <i>tashla-n-diq</i>	<i>soch-tarosh</i>	<i>tashla</i> → <i>tashla-n-ma</i>	<i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i>	<i>tashna</i> → <i>tashma-lik</i>	<i>ser-soch</i>	<i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i>	<table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch-bog'</i></td><td><i>tashna</i> → <i>tashmaf-lik</i></td></tr> <tr><td><i>soch-li</i></td><td><i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i></td></tr> <tr><td><i>soch-siz</i></td><td><i>tashrif</i> → <i>tashrif buyurmoq</i></td></tr> <tr><td><i>soch-popuk</i></td><td><i>tashviq</i> → <i>tashviq-ot</i> → <i>tashviqot-chi</i> → <i>tashviqotchi-lik</i></td></tr> <tr><td><i>soch-tarosh</i></td><td></td></tr> <tr><td><i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i></td><td></td></tr> <tr><td><i>ser-soch</i></td><td></td></tr> </table>	<i>soch-bog'</i>	<i>tashna</i> → <i>tashmaf-lik</i>	<i>soch-li</i>	<i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i>	<i>soch-siz</i>	<i>tashrif</i> → <i>tashrif buyurmoq</i>	<i>soch-popuk</i>	<i>tashviq</i> → <i>tashviq-ot</i> → <i>tashviqot-chi</i> → <i>tashviqotchi-lik</i>	<i>soch-tarosh</i>		<i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i>		<i>ser-soch</i>	
<i>soch I (fe'l)</i> →	<table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch-il-ma</i></td><td><i>tashabbus</i> →</td><td><i>tashabbus-kor</i> →</td><td><i>tashabbuskor-lik</i></td></tr> <tr><td><i>Soch-il-uv-chan</i></td><td></td><td></td><td><i>tashabbus-ona</i></td></tr> <tr><td><i>Soch-iq</i> → <i>sochiq-lik</i></td><td></td><td></td><td></td></tr> <tr><td><i>Soch-ma</i></td><td></td><td></td><td><i>tashabbus-chi</i> → <i>tashabbuschi-lik</i></td></tr> </table>	<i>soch-il-ma</i>	<i>tashabbus</i> →	<i>tashabbus-kor</i> →	<i>tashabbuskor-lik</i>	<i>Soch-il-uv-chan</i>			<i>tashabbus-ona</i>	<i>Soch-iq</i> → <i>sochiq-lik</i>				<i>Soch-ma</i>			<i>tashabbus-chi</i> → <i>tashabbuschi-lik</i>																																
<i>soch-il-ma</i>	<i>tashabbus</i> →	<i>tashabbus-kor</i> →	<i>tashabbuskor-lik</i>																																														
<i>Soch-il-uv-chan</i>			<i>tashabbus-ona</i>																																														
<i>Soch-iq</i> → <i>sochiq-lik</i>																																																	
<i>Soch-ma</i>			<i>tashabbus-chi</i> → <i>tashabbuschi-lik</i>																																														
<i>soch II (sochi qora)</i> →	<table border="0"> <tr><td style="padding-right: 10px;"><i>soch-bog'</i></td><td><i>tashakkur</i> → <i>tashakkur-noma</i></td></tr> <tr><td><i>soch-li</i></td><td><i>tashkil</i> → <i>tashkil-iy</i></td></tr> <tr><td><i>soch-siz</i></td><td><i>tashkil-ot</i> → <i>tashkilot-chi</i> → <i>tashkilotchi-lik</i></td></tr> <tr><td><i>soch-popuk</i></td><td><i>tashla</i> → <i>tashla-n-diq</i></td></tr> <tr><td><i>soch-tarosh</i></td><td><i>tashla</i> → <i>tashla-n-ma</i></td></tr> <tr><td><i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i></td><td><i>tashna</i> → <i>tashma-lik</i></td></tr> <tr><td><i>ser-soch</i></td><td><i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i></td></tr> </table>	<i>soch-bog'</i>	<i>tashakkur</i> → <i>tashakkur-noma</i>	<i>soch-li</i>	<i>tashkil</i> → <i>tashkil-iy</i>	<i>soch-siz</i>	<i>tashkil-ot</i> → <i>tashkilot-chi</i> → <i>tashkilotchi-lik</i>	<i>soch-popuk</i>	<i>tashla</i> → <i>tashla-n-diq</i>	<i>soch-tarosh</i>	<i>tashla</i> → <i>tashla-n-ma</i>	<i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i>	<i>tashna</i> → <i>tashma-lik</i>	<i>ser-soch</i>	<i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i>																																		
<i>soch-bog'</i>	<i>tashakkur</i> → <i>tashakkur-noma</i>																																																
<i>soch-li</i>	<i>tashkil</i> → <i>tashkil-iy</i>																																																
<i>soch-siz</i>	<i>tashkil-ot</i> → <i>tashkilot-chi</i> → <i>tashkilotchi-lik</i>																																																
<i>soch-popuk</i>	<i>tashla</i> → <i>tashla-n-diq</i>																																																
<i>soch-tarosh</i>	<i>tashla</i> → <i>tashla-n-ma</i>																																																
<i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i>	<i>tashna</i> → <i>tashma-lik</i>																																																
<i>ser-soch</i>	<i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i>																																																
<i>soch-bog'</i>	<i>tashna</i> → <i>tashmaf-lik</i>																																																
<i>soch-li</i>	<i>tashqari</i> → <i>tashqari-gi</i>																																																
<i>soch-siz</i>	<i>tashrif</i> → <i>tashrif buyurmoq</i>																																																
<i>soch-popuk</i>	<i>tashviq</i> → <i>tashviq-ot</i> → <i>tashviqot-chi</i> → <i>tashviqotchi-lik</i>																																																
<i>soch-tarosh</i>																																																	
<i>be-soch</i> → <i>besoch-lik</i>																																																	
<i>ser-soch</i>																																																	

Сўз ясалиши [Режим совместимости] - Microsoft Excel																
	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N	O	P	Q	R	S	T
25	лик	сиз	лик	бад	лик											
26	чи															
27	лаш	лик														
28	хона	зор	чилик													
29	ли	сиз														
30	лик	чилик														
31	буран	лик	коқил	кураш	лик	отар	урғ									
32	манд	чил	бе	лик	ҳам	лик										
33	лик															
34	сер	лик														
35	сифат															
36	би	лик														
37	ли	лик	сиз	лик	чи	бар										
38	чумчук															
39	ия	лаш														
40	лик	пазир	пора	сўхта	танг	торт	ар	хирок	хоҳ	хуш	шикаст	шод	лик	бе	ҳам	
41	чи														хуш	
42	сиз	чила	лик													

Композиция усули. Икки ва ундан ортиқ сўзнинг қўшилиши орқали янги сўз ясашга композиция усули билан сўз ясаш дейилади. Ўзбек тилида композиция усули билан янги сўз ясаш феъл, от, сифат ва равиш сўз туркumlари учун ҳосдир.


Мазкур усул билан асосан қўшма сўзлар ясалади: *гулбеор*, *қўзойнак*, *Бешёгоч*, *Қорақамиши*, *олтингугурт*, *томорқа*, *гултоҗижӯрӯз*.

Қўшма сўзларнинг қўпчилиги тарихан сўз биримларининг яхлитланишидан келиб чиқкан. Тил тараққиёти жараёнида сўз биримларни қисмларининг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлит ҳолга келиши, унинг қисмлари орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолиши ҳамда уларнинг бир маъно марказига бирлашиши натижасида қўшма сўзга айланади. Бундай пайтларда қўшма сўз қисмлари ўзининг алоҳида лексик маъносини йўқотиб, янги тушунчани англатади. Чунончи, *оишозон*, *белбог*, *гулгунча*, *оттўрва*, *оққуши*, *музёрап*, *Олтинсой* каби.

Композиция усули билан сўз ясашда қўшма сўзнинг умумий маъноси таркибидаги сўзлар маъноси билан боғлиқ бўлиши ҳам (*токқайчи, анжирашафтоли, асалари*), боғлиқ бўлмаслиги ҳам (*иккичам, бошқоронги, қўзиқорин*) мумкин.

Таклифлар. Тил корпусини яратишида композиция усулини ҳам моделлаштириш имкони мавжуд. Сўз туркумига боғлиқ ҳолда уларнинг қўйидаги кўринишларини таклиф этиш мумкин:


1)



a) [F]+[F]= QS ; [феъл]+[феъл]= қўшма сўз

б) [I]+[F]= QS; [исм]+[феъл]=қўшма сўз. “Исл” деганда сифат, от, тақлид сўз, ундов сўз ҳисобга олинган.

ОТ ЯСАЛИШИ



[от+от] тузилишидан иборат қўшма отлар: *асалари, аждаргул, айиқмурут, айиқтовон, арпабодиён, арпапоя, тошкўмир, чаёнгул, илонгул.*

Тил корпус қидиувига “қидиув” топшириғи берилганда, қўйидаги натижага эришилади:

Аччиқтош— алюминий, хром, темир сингари металларнинг сульфат кислота билан ўзаро таъсиридан хосил бўлган тузлар. Саноатда кўнчиликда ва халқ табобатида ишлатилади. Масалан, *Бир куни дошқозонда аччиқтош сувига қаҳрабони солиб қайнатаётган эди, саройдан фаррош келиб: –Зоти олийлари сизни чақираётирлар, – деди.* (Миркарим Осим. «Карвон йўллари»дан)

[сон+от] тузилишидан иборат қўшма отлар: *Учқудук, Учкўл, Учқўргон, Тўрткўл, Бешариқ, Бешибалиқ, Бешработ, Еттисой, Еттисув, бешбармоқ, бештанжса, саккизоёқ.*

[от+феъл] тузилишидан иборат қўшма отлар: ўринбосар, отбоқар, куркабоқар, товуқбоқар, қуёнбоқар, имбоқар, чўчқабоқар, молбоқар, қўйбоқар, қуртбоқар, бўрибосар, дунёқарааш, бешиктерватор.

Тил корпус қидиравига “қидирав” топшириғи берилганда, қуйидаги натижага эришилади:

Бешиккерти – қадимги миллий удумлардан бири бўлиб, одатда, янги туғилган болаларни бешикка солаётган пайтларида ёқ унаштириб қўйишган. Ҳозирда бу эскирган одат ҳисобланади. *Турғун ака Ҳамиданчи чақалоқлигидан бир дўстининг ўғлига «бешиккерти» қилиб қўйган.* (Ойбек. «Олтин водийдан шабадалар»дан)

[феъл+от] тузилишидан иборат қўшма отлар: айирбош, тураржой.

[сон+феъл] тузилишидан иборат қўшма отлар: бешкўтарар, бешотар...

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, маълумотлар базаси – маълумотларни сақлаш, янгилаш, қидириш ва етказиб беришни таъминловчи ахборот, дастурий таъминот бўлиб, у аппарат ва ходимларнинг комбинациясини ифодаловчи автоматлаштирилган тизим ҳисобланади. Табиий тилдаги энг яхши ишлов берилган, тезкорлик ва аниқлик учун хизмат қиласидиган асл матнлар она тилимизнинг сунъий интеллектини бойитадиган лингвистик база – бу тилшуносликнинг асосий воситалари матнни кейинги таҳлил қилиш учун тайёрлайдиган, самарали қидирав ёки ишлов беришга имкон берадиган морфологик қурилиш блок ҳисобланади. Лингвистик базани тузишда лингвистик моделлаштиришнинг аҳамияти бекиёски, шу боис компьютер иши жараённида бошқариладиган кўрсатмаларни ишлаб чиқаришнинг асоси алгоритм ҳисобланади. Морфологик разметкалаш алгоритмини тузишда ҳар бир сўз туркумини разметкалаш орқали маҳсус лингвистик модель шакллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Қўшма сўз ясалишида моделлаштириш лингвистик базани шакллантириш учун муҳим саналади. Қўшма сўз ясалишида феъл, от, сифат ва равиш сўз туркumlарида мавжуд бўлиб, нутқимизда қўшма отлар ниҳоятда кўп эканлиги билан ажralиб туради.

Адабиётлар:


1. Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун): филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис.–Фарғона, 2019.–Б.22.
2. Авлиёқулов Н.Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. – Т.:Янги аср авлоди, 2004. –106 б Степанов А.Н. 6.3. Архивация файловых объектов // Информатика: базовый курс: для студентов гуманитарных специальностей вузов. – Питер, 2010. – 719 с.
3. Ванюшкин А. С., Гращенко Л. А. Оценка алгоритмов извлечения ключевых слов: инструментарий и ресурсы // Новые информационные технологии в автоматизированных системах. – 2017. – № 20. – С. 95–102.
4. Акобирова З. Сўз ясаш қолиллари, уларда унумлилик ва маҳсуллилик// Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, №6. Б. 68-70.
5. Бердиалиев А. Ўзбек тилида соддалашган қўшма аффикислар// Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, №5.
6. Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари)// Ўзбек тили ва адабиёти. 1989, №6. Б. 35-40.
7. Жўрабоева М. Ҳозирги ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши. - Т., 1983.
8. Б. 68-70.;
9. Замонавий ўзбек тили. II жилд. Морфология. Масъллар: Ҳ.Ғ.Неъматов, Р.Р.Сайфуллаева. - Т.:Мумтоз сўз, 2008. 468 б.
10. Убаева Ф. Сўз ясаш усуслари (ўқув қўлланма). - Бухоро, 1958.
11. Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporalLingva.pdf
12. Маматов Н. Қўшма сўзларнинг ясалиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979, №6. Б. 31-36.

13. Мирзакулов Ш. Ўзбек тилида сўз ясалиши маъноси ва парадигмаси: филол.фан.номз...дисс.автореф. – Сам., 1995.-21 б
14. Нигматов X. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII веков. Т., 1989, 181 стр.;
15. Неъматов X. Сўз ясаш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти. –2007, №1. Б.
16. Toirova G. About the technological process of creating a national corps. // Foreign languages in Uzbekistan. Electronic scientific-methodical journal. - Tashkent. 2020, № 2 (31), – B.57– 64. <https://journal.fledu.uz/uz/millij-korpus-yaratishini-tehnologiya-zharayoni-hususida/>
17. 11. Toirova G. The importance of linguistic module forms in the national corpus // Current problems of modern science, education and upbringing (Current problems of modern science, education and upbringing in the region) (Electronic scientific journal), - Urgench. 2020, № 5, –B.155-166. http://khorezmscience.uz/public/archive/2020_5.pdf
18. Toirova G. The importance of the interface in the creation of the corpus. International Scientific Journal «Internauka», // Mejdunarodnyy nauchnyy zhurnal «Internauka». - 2020. - №7. Online magazine. <https://doi.org/10.25313/2520-2057-2020-7-5944>
19. Toirova G. The Role Of Setting In Linguistic Modeling. // International Multilingual Journal of Science and Technology. ISSN: 2528-9810 Vol. 4 Issue 9, September - 2019, -P.722-723 <http://imjst.org/index.php/vol-4-issue-9-september-2019/>

Filologik tadqiqotlar: muammo va yechim

Anjumanning maqsadi: filologiya fanlari doktori, professor Hamid G'ulomovich Ne'matov tavalludining 80 yilligini keng nishonlash va o'zbek tilshunosligi XXI asr birinchi choragida, filologiyada o'z yechimini kutayotgan dolzarb masalalar, til ta'llimida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish, o'zbek va xorijiy tillarni qiyosly o'rGANISH masalalarini ta'llimning yetakchi mutaxassislar bilan tajriba almashish hamda ushbu sohadagi so'nngi tadqiqot usullarini ommalashtirishdan iborat.

Toirova Guli Ibragimovna- BuxDU O'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori.



Globe
edit